

3. G'oziyev E.G'. Ontogenez psixologiyasi. - T.: «Noshir Noshir». 2010.

4. Столяренко А.М. Прикладная юридическая психология. - М.: 2015.

5. Ruxieva X.A. Sud-psixologik ekspertiza. - Toshkent: 2012.

РЕЗЮМЕ

Barcha respondentlarning javoblari ballarga aylantirildi va har bir usul uchun kalit bo'yicha shkala qiymatlari hisoblab chiqildi. Ishning maqsadlariga ko'ra, biz emotsional intellekt va SPSS jadvalining xususiyatlari o'rtasida statistik jihatdan ahamiyatli darajada bog'liqlik mavjudligini tekshirishimiz kerak.

РЕЗЮМЕ

Все ответы респондентов были переведены в баллы, и для каждого метода были рассчитаны баллы по шкале. Для целей данного исследования нам необходимо изучить, существует ли статистически значимая связь между эмоциональным интеллектом и характеристиками набора SPSS.

SUMMARY

All respondents' answers were converted into points, and scale values were calculated according to the key for each of the methods. According to the objectives of our work, we need to check whether there is a relationship at a statistically significant level between emotional intelligence and the characteristics of the SPSS package.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

З.П.Жумакулов – доцент

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: ов, ов қуроллари, жанг, жанг қуроллари, қабилалар, уруғчилик жамоалари, ижтимоий тузумлар, ҳарбий тайёргарликлар, жисмоний тайёргарликлар, миллий анъаналар, урф одатлар, мусобақалар.

Ключевые слова: охота, охотничье снаряжения, битвы, военное оружие, племена, первобытное общества, физическая и военная подготовка населения и молодежи, национальные традиции, обычаи, соревнования.

Key words: hunting, hunting equipments, battles, weapon, tribes, tribal (clan) society, primitive society, physical and military training of the population and youth, national traditions, customs competitions.

Мамлакатимизда янги давр, миллатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаб, ўзаро тинч тотувликда яшаш даврига асос солинди. Ўзбек, қирғиз, қozoқ, тожик, туркман ва бошқа миллатлар бир неча асрлар давомида елкадош бўлиб яшаб ривожланиб, бир элат бўлиб шаклланиб келганлар. Ўрта Осиё халқлари узоқ ўтмишга, бой маънавий маданий меросларга эгадир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга, қолаверса миллий қадриятларимизни тиклашга бўлган катта эътибор, бугунги кунда жисмоний маданият тарихини ўрганишга ва улардан ёш авлоднинг тарбиясида фойдаланишга имкониятлар яратмоқда.

Тарихга бир назар ташласак, Ўрта Осиё ҳудудларида инсоният шаклланишига узоқ йиллар бўлди. Ибтидоий жамоа давридан оқ инсон ўзини ҳимоя қилишга, яшаш учун курашишга ҳамда ов қилишга мажбур бўлган. Бунинг учун албатта у онгсиз равишда жисмоний машқлар ва жисмоний ҳаракатлар бажарган. Яшаш учун кураш ва жамиятда ўз ўрнини топишга интилишда жисмоний тарбия ва жисмоний ривожланганликнинг аҳамияти катта бўлган.

Бу даврда жисмоний тарбиянинг илк қуртаклари сифатида ов вужудга келган. Обираҳмат ғори, Охангароннинг Қўлбулоқ чашмаси, Сўх дарёси водийси ҳамда Олой тизма тоғи ёнбағирларида топилган қадимий ёдгорликлар ҳам ибтидоий жамоа одамларининг жисмоний ва маънавий ривожланишида асосий омил овдан иборат бўлган жисмоний машқлар ва жисмоний ҳаракатлар ҳисобланган. Қадимги аجدодларимиз макон топган Сурхондарё воҳасидаги Темиртош ғоридан кўплаб ов қуроллари найза, болта, чўқмор, пичок, чопқи топилган. Кўриниб турибдики, қадимги аجدодларимиз ибтидоий даврдан бошлаб, жисмоний машқлар ва ҳаракатлар билан мунтазам шугулланишга эътибор қаратишган [1].

Ўрта Осиё ҳудудида уруғчилик жамиятини вужудга келиши билан одамлар ов қилиш санъатини такомиллаштириш бошладилар. Ёввойи ҳайвонлар ва мевазорлар кўп бўлган, иқлим шароити яхши бўлган жойларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ўта бошлаганлар. Уруғчилик жамиятида янги ов қуроллари яратилиши камон, найза ва бошқа қуролларни такомиллашувни овчилик санъатини янада ривожлантирди. Фарғона ҳудудидаги Узун кўл бўйларидаги ҳамда қадимий Хоразм ҳудудидаги Жонбос қалъасида топилган овчилик ва балиқчилик ҳамда ҳўжалик қуроллари бу даврда одамларнинг ижтимоий онги такомиллашиб

борганлигини кўрсатади. Ов санъатини такомиллашувни, овда ҳамкорликда ҳаракат қилишга, жисмоний фазилатларини ривожланишига, чакқонлик, эпчиллик, ботирлик ва мардлик сифатларни таркиб топишга туртки бўлди. Бу даврда болалар тарбиясининг асосий шакли онгсиз ҳолда ташкил этилган ўйинлар, мусобақалар ҳамда ов ҳаракатларига тақлид қилиш машқларидан иборат эди.

Қабилаларнинг кенгайиши билан яхши иқлим, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой бўлган ҳудудлар учун қабилалар ўртасида низолар чиқа бошлади. Ўзаро жангларда жисмонан бақувват қабилалар ғолиб келган ҳамда улар бош қабилалар бўлиб қолди. Қадимий Хоразм маданияти, Сурхондарёдаги Сополлитепа қолдиқлари ҳамда Қорақалпоғистондаги Тозабобғоб маданияти ёдгорликлари шуни кўрсатадики, қабилалар ўртасидаги жангларда жисмоний тайёргарлик муҳим роль ўйнаган. Жисмоний тарбия ва ҳарбий тайёргарликка катта эътибор берилган.

Яшаш ҳудудларини ҳимоя қилиш озиқ-овқат, мол-мулк қорвани қўриқлаш учун ҳамда бошқа қабилалар ҳужумини бартараф этиш учун ҳарбий қўшинлар тузилган. Қабилалар таркибида овчилик ҳамда жанг билан шугулланадиган ҳарбий жангчилар қўшинлари ташкил этилган. Улар жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик машқларида найзабозлик, камондан ўқ узиш, чавандозлик чўқмор ва гурзилар ўйнатиш, кураш тушиш ва муштлашиш билан шугулланганлар. Қабил ақсоқоллари ёшларни ҳарбий ва жисмоний тайёргарликларини байрамлар ва анъаналарда назорат қилиб борганлар. Жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик машғулотларини паҳлавон, баҳодир устозлар бошқарганлар. Қабил ақсоқоллари ўзларини ҳукмронликларини таъминлаш ва ўтказиш учун ўз атрофига паҳлавон баҳодир жангчиларни тўплаганлар, шахсий жангчилар бўлиниши ташкил этганлар [2].

Бизга маълумки Ўрта Осиё ҳудудида ҳам қадимги давлатлар, ижтимоий тузум барвақт шаклланиган. Ўрта Осиё халқларининг аجدодлари ҳисобланган саклар, массагетлар, сўғдлар, хоразмийлар ва тохарлар Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки пайдо бўлган элатлар ҳисобланган. Бу халқлар жанговор кўчманчи халқлар ҳисобланиб, мохир чавандоз, мерган, курашчи паҳлавон ва ботир жангчилар бўлганлар. Улар қабилалар ҳолида вужудга келиб даврлар давомида бирлашиб борганлар ва буюк давлатлар ташкил этганлар.

Қадимги аجدодларимиз саклар, массагетлар,

сўғдийлар ва хоразмийлар жанговор кўчманчи қабилалар ҳисобланган. Қабилалар ўртасидаги жанглар халқни мунтазам жисмоний ҳарбий тайёргарлик машғулоти ўтиб туришга мажбур қилган. Ҳар бир қабилалар ихтиёрида қуролли жангчилар бўлиб, улар мохир саркардалар тарбиясида жисмонан такомиллашиб борганлар.

Уларнинг ҳарбий жисмоний тайёргарликлари чавандозлик, мерганлик, найза отиш, қиличбозлик, гурзи билан жанг, кураш тушиш ва яккама-якка олишиш машқларидан иборат эди. Шу билан бирга жанглarda фойдаланиш учун чопарлар тайёрлашда узоқ масофаларга югуриш машғулоти ўтказилиб турилган. Машғулотлар кир-адирлар, тоғликлар, дарё ва сойлар оша югуришлардан, оғир юклар кўтариб юришлардан иборат бўлган. Халқнинг ва жангчиларнинг ҳарбий жисмоний тайёргарликлари диний ва халқ байрамларида мусобақалар, беллашувлар ёрдамида назорат қилиниб борилар эди. Мусобақаларда югуриш, чавандозлик, мерганлик, кураш тушиш беллашувлари ўтказилар эди. Мусобақа ғолиблари бўлган ёш пахлавонлар шаҳар ҳокимларининг жангчилари сафига олинар эди.

Ўрта Осиё халқлари ўзларининг кўп минг йиллик тарихида ҳарбий босқинчилик юришларни бошидан кечирган. Ибтидоий жамоадан тортиб ҳамма даврларда маҳаллий халқ жангчилари ўзларининг мохирлиги, жанговорлиги ҳамда қаҳрамонлиги билан тарихда қайд этилиб келган. Қадимий халқлардан бўлган саклар ва массагетларнинг жанговорлиги, чавандозлик ва мерганлик саънатлари ҳақида Рим ва Грек шоирлари ҳам ёзиб қолдирганлар. Сакларнинг жанговор қуроли камон ҳисобланиб улар камон билан ҳар қандай ҳолатда юз метр масофадаги нишонни беҳато урганлар. Шунингдек, улар ханжар ва болталар билан ҳам қуролланишган. Сўғдийлар ва хоразмийларнинг жанг усуллари, қуролланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам қадимий ёдгорликларда ҳам топилган [3].

Хитой тарихчиларини шу даврларга хос маълумотларида Паркана давлатида чавандозлик тараққий этган бўлиб “самовий дулдуллар” деб номланган чопқир отлар етиштирилган. Шу даврларда миллий кураш усуллари Фарғонача ва Бухорода кураш турлари шаклланиган. Халқимизнинг қадимдан ҳар бир байрамлари, анъаналари, урф-одатлари мусобақалар беллашувлар ва ўйинлар билан ўтказилган. Масалан, қадимги Тохарлар удуми бўйича куёв келин танлашда кураш тушиб рақиб йигитларни мағлуб этиши керак бўлган.

Жисмоний ва ҳарбий такомиллашган элатлар Александр Македонскийнинг Грек қўшинларига қарши Спитамен бошчилигида мардоновор жанглари олиб борганлар. Кейинчалик шох Доро давлатига, Аҳмонийлар ҳукумронлигига қарши ҳам қаҳрамонона жанглари қилганлар. Бу жанглarda сак ва массагет қабилаларининг аёлари ҳам эркаклар билан биргаликда жанглarda қатнашганлар. Қадимги халқларнинг жанговор ҳаётини кўрсатувчи топилмалар қадимий шаҳарлар ёдгорликларида кўплаб топилмоқда. Нақши Рустам дарасидан топилган шох Доро тобутидаги тасвирлар, турли элатлар вакиллари ташки қиёфаси, кийиниши, қурол яроғлари ҳақида тасаввур қилишга ёрдам беради. Уларнинг кийимлари деярли бир хил бўлиб бош кийим қалпоқча шаклида, чарм нимча, ёқасиз узун чакмон кўнжи қалта этик бўлган. Белларида қалин қайиш камар бўлиб унга қалта қилич, эгри пичоқ кистирилган. Шунингдек улар камон ва пайкон, найза билан қуролланганлар. Қўлларида қуёш рамзи туширилган қалқон бўлган. Сўғд аскарининг чавандозлик ва мерганлик машқлари тасвири ҳам туширилган. Тарихий ёдгорликлардан Термезда топилган сопол идишларда қабилаларнинг жанговор ҳаёти зарб этилган. Шу билан бирга жангчи-

ларнинг, тулпорларнинг ва жанг аравачаларининг қулаш ва жез ҳайкалчалари топилган. Амударё хавзасида топилган тилла гардишда эса Хоразм жангчиси акс этирилган. Бу жангчи белбоғли чакмонда, кенг иштон, кўнжи қалта юмшоқ этик ва чарм қалпоқ кийган. Чап ёнига қилич ва пичоқ, ўнг ёнига камон ва пайкон илинган, қўлида найза бўлган [4].

Хорижий саёҳатчилардан Иван Плано Карпини, Вилгельм Рубрук, Марко Поло, Херман Вамбери ўзларининг Шарқ мамлакатлари ва Хитой сафарларида Ўрта Осиё давлатларидаги халқнинг турмуш тарзи урф-одатлари анъаналари ва байрамларини, ҳарбий қўшинлар ҳолати, жанг олиб бориш усуллари, жангчиларнинг қуролланиши ҳақида маълумотлар йиғганлар. Шунингдек халқ ва диний байрамларда ўтказиладиган кураш мусобақалари мерганлик, қиличбозлик ва чавандозлик беллашувлари ва халқ ўйинларидан дарбозлар, полвонлар намойишлари батафсил ёзиб қолдирилган.

Ўрта Осиё давлатларининг ижтимоий иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти кўплаб хорижий мамлакатларни қизиқтирган ҳамда уларнинг таъсирида бўлган. Маҳаллий халқ ва элатлар тарихини ўрганиш, уларнинг урф-одатлари, байрамлари, анъаналари маънавий ва маданий ёдгорликлари, халқ турмуш тарзи, қабилалар ўртасидаги муносабатлар, уруғчилик алоқалари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатлари, ҳунармандчилик, деҳқончилик ва чорвачилик, савдо алоқалар, ер ости бойликлари, табиий бойликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, халқнинг жанговорлиги, уларнинг қурол яроғ турлари ва жанг усуллари ҳақида маълумотлар йиғиш ва ўрганиш мақсадида хорижий саёҳатчилар ва олимлар бу мамлакатларга кела бошлаганлар. Чунки Ўрта Осиё халқлари қучли ҳарбий қудратга эга бўлиб ҳар бир давлат ихтиёрида ҳаракатдаги ҳарбий қўшинлар тутилган. Улар таркибида мохир жангчилар, чавандоз ва пахлавон курашчилар бўлган. Уларга мохир саркардалар ва лашкарбошилар мунтазам ҳарбий жисмоний тайёргарлик машғулоти ўтказиб турганлар. Шу билан бирга уриш ҳаракатида маҳаллий халқдан оддий аскарлар ҳам жанглarga сафарбар этилган. Улар “чокарлар” деб аталган. Ҳар бир давлат ихтиёридаги ҳарбий қўшинлар қатта маблағ эвазига таъминланган. Шу билан бирга Ўрта Осиё ҳудудидаги жанглarda кўп ҳолатда барча давлатлар бирдек иштирок этганлар. Жангчиларнинг қаҳрамонликлари, машҳур жанглари шарқ алломаларининг “Жангнома” асарларида, халқ оғзаки ижоди – дostonларда ёзиб қолдирилган.

Ўрта Осиё халқлари ўзининг узоқ ўтмишида миллат сифатида шаклланиш жараёнида кўплаб ижтимоий ўзгаришларни бошидан кечирган. Босқинчиларга қарши мардоновор кураш олиб бордилар, миллат сифатида шаклландилар ва тобландилар. Даврлар ўтиши билан халқимизнинг миллий удумлари, урф-одатлари, шуларга асосан халқ миллий уйинлари ва жисмоний тарбия машқлари, такомиллашиб борди [5].

Халқларимиз қадим замонлардан яшаб учун кураш, табиат инжикликларини бартараф қилиш ҳамда эзгуликка интилиб яшашга мослашиб келганлар. Туркистон ўлкасида истикомат қилган элатлар, яъни ҳозирги ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, туркманлар ва бошқаларнинг аجدодлари ўзларига хос жисмоний маданиятни турли жисмоний машқлар, ўйинлари ва мусобақалари муайян тарихий даврда яшаган турли халқлар ва қабилаларнинг ҳаёт кечириш тарздан келиб чиққан бўлиб, улар ҳаётнинг ички ва ташқи муҳит хусусиятларини ўзида акс эттирган, кишиларни жисмоний чиникилини, уларни бақувват, эпчил, чидамли, дадил ва дов юрак қилиб тарбиялаш мақсадларига хизмат қилган. Ўзбекларнинг қадимги аجدодлари ўз юксак маданиятини вужудга келтиргунча оғир йўлни босиб ўтганлар, зўр жасорат

кўрсатганлар. Бу эса халқдан жисмоний бақувват бўлишни талаб қилган.

Улар ўз фарзандларини ўзларининг муносиб ворислари сифатида кўришган ҳамда уларни жасур, кучли ва паҳлавон бўлиб вояга етказиш учун астойдил ҳаракат қилишган. Илк ёшлик чоғлариданок уларни тарбияси билан жиддий шуғулланишган. Уларга қиличбозлик санъатини, камондан ўқ отиш сирларини, кураш тушиш малакаларини, отда юриш ва улоқ чопиш, от устида кураш тушиш, рақибга зарба бериш ҳамда турли оғирликдаги тошларни кўтариш сингари махсус машқлар мажмуасини ўргатиб боришган. Ўрта Осиё халқлари миллий кураш усуллари қадимги тарихга эга бўлиб, бугунги кунда бу кураш усуллари Осиёни барча мамлакатларида ҳамда бир қатор Европа халқлари орасида кенг тарқалган. Кураш усуллари, уларни шаклланиши, турлари ҳамда моҳир курашчилар ҳақида Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёзиб қолдирган. Халқларимиз ҳаётида ҳозирги замондаги хилма-хил ўйинлар-куч, эпчиллик ва чидамчилик синов тарздаги қизиқарли машқларнинг кўп асрли тарихи бор. Қадимги замонлардаёқ Ўрта Осиё яшовчи халқларда кураш, ўқ отиш, ёй отиш, чавандозлик сингари

жисмоний машқ турлари мавжуд бўлган. Массажетлар, саклар ва хоразмийларнинг аёллари ҳам ҳарбий юришлар ва жангларда қатнашар мардлик ва матонатда эркак жангчилардан қолишмас эдилар. Ўрта Осиё халқлари ўртасида от мусобақалари, курашлар улоқ ва кўпқари Наврўз ва халқ байрамларида ўтказилар эди. Бундай мусобақалар таърифлари буюк шоир ва мутафаккирларнинг асарларида қайд этилган ва бизнинг бекиёс маънавий ва маданий бойлигимиз ҳисобланади. Шунингдек Ўрта Осиё бўйлаб ўтган “Буюк ипак йўли” халқимизнинг маънавий, моддий ҳамда жисмоний тараққаётига ижобий таъсир кўрсатди [6].

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики Ўрта Осиё халқлари қадимдан ўзининг жисмоний баркамоллиги ҳақида доимо қайғуриб борган. Жисмоний тайёргарлик ов шаклида ёки ҳарбий тайёргарлик шаклида бўлишидан қатъий назар инсонни жисмоний баркамоллик воситаси бўлиб хизмат қилган. Маънавий ва маданий меросларимизни ўрганиш ва қайта тиклаш ёш авлоднинг жисмоний маданиятини янада кўтаришда бош омил бўлади, деган умиддамиз.

Адабиётлар

1. Шарафиддин Али Яздий. “Темур Тузуклари”, “Зафарнома”. Таржима. –Тошкент: 1999.
2. Унсурулмаолий Кайковус. “Қобуснома”. Таржима. –Тошкент: 1986.
3. Қаюмов А., Исҳоков М., Отаҳўжаев А., Содиков Қ. Қадимги Ўзма Ёдгорликлар. –Тошкент: 1996.
4. Муҳаммаджонов А., Усмонов Қ., Жўраев У., Норкулов Н., Тиллабоев С., Замонов А. Ўзбекистон Тарихи. –Тошкент: 2000-2015.
5. Салимов Т.Ў., Султонов Ф.Э., Жўраев У., Фармонов Р., Эргашев Ш., Лафасов М., Жўраев У., Холиқов Э. Жаҳон Тарихи. –Тошкент: 2000 -2015.
6. Солиев Х. Жаҳон халқлари жисмоний тарбияси тарихи. –Андижон: 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимиз ҳамда марказий Осиё мамлакатларида давлат тузумларини ташкил этилишида, миллий маданият, ҳарбий санъат ва аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида жисмоний тарбия ва ҳарбий тайёргарликнинг аҳамияти ва ўрни таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучаются возникновения государственности в Средне Азиатских странах. Определить роль и значения физической культуры и военной подготовки социально- экономических развитых государств Средней Азии.

SUMMARY

The paper studies statehood of Central Asian countries. Defining the role and values of physical culture and military training in social economic developments of the Central Asia's governments.

КОМПЛЕКСНЫЙ СПОСОБ ФОРМИРОВАНИЯ ВОЕННО - ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩЕГО ОФИЦЕРА

Р.Н.Курганова – преподаватель

Н.К.Сулейманова – доктор философии педагогических наук, доцент

Академия Вооружённых сил Республики Узбекистан

Таянч сўзлар: коммуникатив компетенция, курсант, профессионал ҳаракатчанлик, касбий тайёргарлик, тажриба, ўқув муҳитининг модели.

Ключевые слова: коммуникативная компетенция, курсант, профессиональная мобильность, профессиональная подготовка, эксперимент, модель учебной среды обучения.

Key words: communicative competence, cadet, professional mobility, professional training, experiment, model of educational learning environment.

Образование – это приоритет государства. От него зависит будущее каждого человека, каждой семьи и будущее всей страны. Формирования коммуникативной компетенции будущих офицеров военного вуза это развитие профессионально-личностных качеств будущих офицеров. Под профессиональной компетентностью будущего офицера мы понимаем его способность как военного специалиста, который может решать профессиональные проблемы и типичные профессиональные задачи, которые возникают в реальных ситуациях учебной и профессиональной деятельности, используя знания, профессиональный и жизненный опыт, ценности и наклонности. В ее структуру входят: знания, умения и навыки профессиональной деятельности, накопленные в образовательном процессе. Педагогические условия, которые обеспечивают эффективное формирование компетенций у будущих офицеров военного вуза: индивидуализированный подход к раз-

витию личностных и профессиональных качеств курсантов; самоактуализация личностного потенциала и адекватность самооценки курсантов; учет направленности будущих офицеров к определенному виду военно-профессиональной деятельности; объективность учета факторов, влияющих на педагогическую деятельность преподавателя военного вуза; педагогическая компетентность преподавателя военного вуза; дифференцированное педагогическое взаимодействие преподавателя и курсантов в образовательном процессе военного вуза.

Когнитивные методы обучения представляют собой систему методов, которая направлена не на сообщение готовых знаний, их запоминание и воспроизведение, а на организацию их для самостоятельного получения знаний, усвоение умений в процессе активной познавательной деятельности, направленной на решение различных профессионально-направ-